



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2024 yil « 21 » июнь

№ ПК–228

Аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида

Сўнги йилларда мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг ҳуқуқий ва институционал асослари такомиллаштирилиб, жамиятда коррупция иллатига нисбатан мурасасиз муҳитни шакллантиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди.

Жумладан, давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши курашишнинг замонавий механизмлари кенг жорий этилиб, уларнинг фаолиятида очикликни таъминлаш ва жамоатчилик олдида ҳисобдорликни ошириш бўйича тизимли чоралар кўрилди.

Шу билан бирга, аҳоли ва давлат хизматчиларида коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш, уларга “ҳалоллик вакцинаси”ни сингдириш ҳамда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билим ва кўникмаларини ошириш тизимини замон талабларидан келиб чиққан ҳолда янги босқичга олиб чиқиш зарурати юзага келмоқда.

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясига мувофиқ аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириб боришнинг кенг қамровли тизимини жорий этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) ва Бош прокуратурасининг аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз оширишга қаратилган **“Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси”** электрон платформасини (кейинги ўринларда – Виртуал академия) **2025 йил 1 январдан** жорий этиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

2. Аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириш тизимининг **устувор йўналишлари** этиб қуйидагилар белгилансин:

аҳоли ва давлат хизматчиларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда **коррупцияга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш**, ёш авлод онгига ҳалоллик қадриятларини сингдириш;

коррупцияга қарши курашишга масъул ҳамда коррупциявий хавф-хатарлар юқори бўлган давлат хизмати лавозимларидаги ходимларнинг билим, кўникма ва малакаларини доимий равишда ошириб бориш;

давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги **билимларини баҳолаш ва сертификатлаш** ҳамда **сертификат олган давлат хизматчиларининг реестрини юритиш**;

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги миллий ва хорижий тажриба, илмий, услубий ва амалий ишланмалар, эришилган ютуқлар бўйича **электрон маълумотлар базасини юритиш**;

коррупцияга қарши курашишнинг долзарб муаммолари юзасидан **илмий-тадқиқот дастурлари ва лойиҳаларини**, шу жумладан, миллий, хорижий ва халқаро грантларни жалб қилган ҳолда амалга ошириш.

3. Белгилансинки, Виртуал академияда ўқув фаолиятини ташкил этиш ва юритиш Агентлик ҳамда Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси (кейинги ўринларда – Академия) томонидан амалга оширилади. Бунда:

а) Агентлик:

коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитилиши лозим бўлган **давлат хизматчилари контингентини шакллантиради** ва Академия билан келишган ҳолда **йиллик ўқитиш режа-графикини тасдиқлайди**;

ўқув жараёни сифатли ташкил этилишини мониторинг қилиб боради;

коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат сиёсати, коррупциявий хавф-хатарлар ва тадқиқот натижаларини инobatга олиб, **янги ўқув модулларини жорий этиш** бўйича Академияга таклифлар киритади;

ўқитиш тизимининг самарали фаолият кўрсатиши учун ўқув жараёнига жалб қилинган давлат органлари ва ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик қилади;

Академия билан биргаликда ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашига **Виртуал академия фаолияти юзасидан ахборот киритади**;

б) Академия:

Виртуал академиянинг **узлуксиз ишлашини, ўқув контенти ва материаллари билан мунтазам тўлдирилиши** ва янгилаб борилишини таъминлайди;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида **ўқув жараёнини ташкил этади**, шу жумладан ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқади, ўқув курслари ҳақидаги маълумотларни Виртуал академияда жойлаштиради;

тингловчиларнинг билимларни ўзлаштириши натижалари бўйича **электрон маълумотлар базасини шакллантиради, ўқув курсларини тамомлаган шахсларнинг реестрини юритади;**

ўқув жараёнига давлат органлари ва ташкилотларининг, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг **малакали мутахассисларини**, шу жумладан **хорижий экспертларни жалб қилади.**

4. Виртуал академияда ўқитиш қўйидаги контингент учун коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқув дастурлари асосида олиб борилади:

аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари вакиллари;

таълим ташкилотлари тарбияланувчилари, ўқувчилари ва талабалари; давлат органлари ва ташкилотларининг давлат хизматчилари (кейинги ўринларда – давлат хизматчилари);

давлат иштирокидаги корхоналарнинг ходимлари.

5. Белгилаб қўйилсинки:

а) Виртуал академияда ўқитиш коррупцияга қарши курашиш соҳасида базавий ҳамда махсус ўқув курслари бўйича йўлга қўйилади. Бунда:

базавий ўқув курсларида ўқитиш барча фойдаланувчилар учун **бепул асосда** ташкил этилади;

махсус ўқув курсларида малака ошириш **тўлов-шартнома асосида** амалга оширилади;

б) давлат хизматчиларига Виртуал академиянинг махсус ўқув курсларида коррупцияга қарши курашиш соҳасида малакасини ошириш **мажбурий ҳисобланади.** Бунда:

давлат хизматчиси ишга қабул қилинганидан сўнг **уч ой ичида** ўқув курсидан ўтади;

давлат хизматчилари малакасини оширишнинг даврийлиги **ҳар уч йилда камида бир мартани** ташкил этади;

коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ва коррупциявий хавф-хатарлар юқори бўлган давлат хизмати лавозимларида фаолият кўрсатувчи ходимлар учун махсус курслар **чуқурлаштирилган ўқув дастурлари асосида** олиб борилади;

в) давлат хизматчилари ҳисобланмайдиган шахсларни махсус ўқув курсларида ўқитиш **ихтиёрийлик асосида** амалга оширилади.

6. Қуйидагилар Виртуал академия фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

тўлов-шартнома асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

Академиянинг бюджетдан ташқари маблағлари;

Агентликнинг ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро ташкилотларнинг грантлари ва маблағлари;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. “Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси” электрон платформасининг самарали фаолиятини таъминлаш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича “йўл харитаси” иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) махсус ўқув курсларида тўлов-шартнома асосида малака ошириш учун **тўлов миқдори** Академиянинг Васийлик кенгаши томонидан Агентлик ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади;

б) махсус ўқув курсларини муваффақиятли тамомлаган шахсларга Агентлик ва Академия томонидан тасдиқланадиган намунадаги **сертификат** берилади;

в) давлат хизматчиларининг малакасини ошириш билан боғлиқ харажатлар тегишли давлат органи ёки ташкилотига **ушбу мақсадлар учун назарда тутилган бюджет маблағлари** доирасида ёхуд уларнинг **бюджетдан ташқари маблағлари**, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади;

г) тўлов-шартнома асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар Академия ҳисобварағида жамланади ва қуйидаги мақсадларга йўналтирилади:

Виртуал академия фаолиятида фойдаланишга оид материалларни тайёрлаш учун буюртмалар бериш;

Виртуал академия фаолиятини таъминлашга масъул ходимларни моддий рағбатлантириш ва уларнинг малакасини ошириш;

Виртуал академиянинг узлуксиз ишлаши ва унинг фаолиятини самарали ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

Ўқитиш жараёнига тегишли ходимлар, илмий-педагогик кадрлар ва мутахассисларни, шу жумладан хорижий экспертларни жалб қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш.

Бунда, ўқитишдан тушадиган маблағлар юқорида назарда тутилган харажатлар қопланганидан сўнг Агентлик ва Академиянинг бюджетдан ташқари жамғармаларига тенг улушларда тақсимланади.

9. Давлат органлари ва ташкилотлари мунтазам равишда ўз ходимларининг Виртуал академияда коррупцияга қарши курашиш соҳасида малакасини ошириб боришларини таъминласин.

Давлат иштирокидаги корхоналарга ходимларини Виртуал академияда коррупцияга қарши курашиш соҳасида малакасини ошириш чораларини кўриб бориш тавсия этилсин.

10. Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган илмий тадқиқотларни тизимли ва самарали ташкил этиш мақсадида:

Агентлик томонидан олий таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотлари учун коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилиши мумкин бўлган **тавсиявий йиллик илмий-тадқиқот мавзуларини шакллантириш;**

барча олий таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотлари томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилган **илмий тадқиқотлар натижаларини Агентликка тақдим этиш;**

Академия томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасида эришилган ютуқлар, миллий ва хорижий тажриба, илмий, услубий ва амалий ишланмалар ҳамда илмий-тадқиқот ишлари бўйича **электрон маълумотлар базасини** муаллифлик ҳуқуқларига риоя қилган ҳолда юритиш тартиби жорий этилсин.

Агентлик ва Академия соҳадаги илмий тадқиқотларни мақсадли ва сифатли амалга ошириш, натижаларини оммалаштириш бўйича **Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашига мунтазам равишда таклифлар киритиб борсин.**

11. Агентлик ва Академия:

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **уч ой муддатда Виртуал академияда ўқитишни ташкил этиш тартибини** ишлаб чиқиб, тасдиқласин;

2025 йил 1 январга қадар “Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси” электрон платформаси ва унинг мобиль иловасини ишга туширсин.

12. Академия Агентлик, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда:

2024 йил 1 октябрга қадар таълим ташкилотлари тарбияланувчилари, ўқувчилари ва талабалари учун Виртуал академияда ташкил этиладиган махсус дастурлар ва контентнинг ишлаб чиқилишини;

мунтазам равишда таълим ташкилотлари тарбияланувчилари, ўқувчилари ва талабалари учун махсус дастурлар ва контентнинг янгилаб борилишини таъминласин.

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги таълим олувчилар учун **Коррупцияга қарши таълим ва ёшларнинг имкониятларини кенгайтириш глобал ресурси (GRACE)** дастури доирасида сифатли мультипликацион фильм, видеолавҳа ва аудиоматериалларни яратиш мақсадида хорижий инвестициялар, грантлар ҳамда ҳомийлик хайрияларини жалб қилиш чораларини кўрсин.

13. Агентлик ва Бош прокуратура Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифаларининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

14. Агентлик **икки ой муддатда** манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ўшбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Агентлик директори А.Э.Бурханов ва Бош прокурор Н.Т.Йўлдошев белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши раиси Т.К.Нарбаева ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари бўйича маслаҳатчиси Д.Б.Кадиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш.Мирзиёев

**“Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси” электрон платформасининг
самарали фаолиятини таъминлаш ва моддий-техник базасини мустақамлаш бўйича
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

Т/р	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
I. “Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси” электрон платформаси фаолиятини самарали ташкил этиш					
1.	“Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси” электрон платформаси (кейинги ўринларда – Виртуал академия)да ўқитишни ташкил этиш тартибини тасдиқлаш.	Идоравий ҳужжат	2024 йил сентябрь	–	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, манфаатдор вазирлик ва идоралар
2.	Виртуал академияда коррупцияга қарши курашиш соҳасида эришилган ютуқлар, миллий ва хорижий тажриба, илмий, услубий ва амалий ишланмалар бўйича электрон маълумотлар базасини юритиш тартибини тасдиқлаш.	Идоравий ҳужжат	2024 йил октябрь	–	Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, манфаатдор вазирлик ва идоралар
3.	Коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитилиши лозим бўлган давлат хизматчилари контингентини шакллантириш, йиллик ўқитиш режа-графикини тасдиқлаш.	Идоравий ҳужжат	2024 йил октябрь	–	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
4.	Тингловчиларнинг билимларни ўзлаштириши натижалари бўйича электрон маълумотлар базасини шакллантириш, ўқув курсларини тамомлаган шахсларнинг реестрини юритиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	Доимий	–	Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси

5.	Виртуал академияда ўқув жараёни сифатли ташкил этилишини мониторинг қилиш тартибини белгилаш.	Идоравий ҳужжат	2024 йил сентябрь	–	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги
6.	Махсус ўқув курсларини муваффақиятли تامомлаган шахсларга тақдим этиладиган сертификат намунасини тасдиқлаш.	Идоравий ҳужжат	2024 йил сентябрь	–	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
7.	Виртуал академияда таълим ташкилотлари тарбияланувчилари, ўқувчилари ва талабалари учун ўқув дастурларини тасдиқлаш.	Ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар	2024 йил октябрь	–	Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
8.	Таълим ташкилотлари тарбияланувчилари, ўқувчилари ва талабалари учун ўқув контентини ишлаб чиқиш ва доимий янгилаб борилишини таъминлаш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2024 йил октябрь Доимий	–	Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
9.	Коррупцияга қарши таълим ва ёшларнинг имкониятларини кенгайтириш глобал ресурси (GRACE) дастури доирасида: сифатли мультимедиялик фильм, видеолар ва аудиоматериалларни яратиш мақсадида хорижий инвестициялар, грантлар ҳамда ҳомийлик хайрияларини жалб қилиш чораларини кўриш;	Ташкилий чора-тадбирлар	Доимий	–	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги,

	Ўқув материалларини давлат тилига таржима қилиш (мультипликацион фильм, видеолар ва аудиоматериалларни дубляж қилиш) ва Виртуал академияга жойлаштириш.				Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги
10.	Виртуал академияда коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқув жараёнини ташкил этиш, шу жумладан ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш, курслар ҳақидаги маълумотларни Виртуал академияда жойлаштириш.	Ташкилий чора-тадбирлар	Доимий	–	Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси
11.	Виртуал академия электрон платформаси ва унинг мобиль иловасини ишга тушириш.	Комплекс чора-тадбирлар	2025 йил 1 январга қадар	–	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси
12.	Виртуал академиядаги ўқув жараёнига давлат органлари ва ташкилотларининг, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг малакали мутахассисларини, шу жумладан хорижий экспертларни жалб қилиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	Доимий	–	Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси
13.	Виртуал академиянинг узлуксиз ишлашини, ўқув контентини ва материаллари билан мунтазам тўлдирилиши ва янгиланган борилишини таъминлаш.	Ташкилий чора-тадбирлар	Доимий	–	Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси
14.	Давлат органлари ва ташкилотлари мунтазам равишда ўз ходимларининг Виртуал академияда коррупцияга қарши курашиш соҳасида малакасини ошириб бориш ишларини таъминлаш.	Ташкилий чора-тадбирлар	Доимий	–	Вазирлик ва идоралар, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги
15.	Давлат иштирокидаги корхоналар ходимларини Виртуал академияда коррупцияга қарши курашиш соҳасида малакасини ошириб бориш чораларини кўриш.	Ташкилий чора-тадбирлар	Доимий	–	Давлат иштирокидаги корхоналар, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги

16.	Виртуал академия фаолияти юзасидан ахборот ва таклифларни тайёрлаб, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашига киритиб бориш.	Ташкилий чора-тадбирлар	Ҳар йил якуни бўйича	–	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
II. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги илмий тадқиқотларнинг самарадорлигини ошириш					
17.	Олий таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотлари учун коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилиши мумкин бўлган тавсиявий йиллик илмий-тадқиқот мавзуларини шакллантириш.	Ташкилий чора-тадбирлар	Ҳар йили ноябрь-декабрь	–	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, олий таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотлари
18.	Коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилган илмий-тадқиқотлар натижаларини Агентликка тақдим этиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	Ҳар йили	–	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, олий таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотлари
19.	Коррупцияга қарши курашиш соҳасида эришилган ютуқлар, миллий ва хорижий тажриба, илмий, услубий-амалий ишланмалар ва илмий-тадқиқот ишлари бўйича электрон маълумотлар базасини муаллифлик ҳуқуқларига риоя қилган ҳолда юритиш тартибини жорий этиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2024 йил ноябрь Кейинчалик доимий	–	Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
20.	Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги илмий тадқиқотларни мақсадли ва сифатли амалга ошириш, натижаларини оммалаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашига таклифлар киритиб бориш.	Ташкилий чора-тадбирлар	Доимий	–	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
21.	Ёшлар орасида Виртуал академия имкониятларини кенг тарғиб қилиш орқали жалб қилинган ёшлар сонини ошириб бориш.	Чора-тадбирлар дастури	Доимий	–	Ёшлар ишлари агентлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги

III. Виртуал академиянинг моддий-техник базасини мустақамлаш					
22.	Виртуал академияда ўқитишни ташкил этиш учун қўшимча замонавий ускуналар, серверлар ва бошқа жиҳозларни харид қилиш ва ўрнатиш.	Комплекс ташкилий чора-тадбирлар	2024-2025 йиллар Кейинчалик заруратга кўра	Халқаро донорларнинг маблағлари	Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги
23.	Коррупцияга қарши курашишнинг долзарб муаммолари юзасидан илмий-тадқиқот дастурлари ва лойиҳаларини амалга ошириш учун миллий, хорижий ва халқаро грантларни жалб қилиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	Доимий	–	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
24.	Виртуал академиянинг самарали ишлаши учун маҳаллий ва хорижий хуқуқий ҳамда ахборот-таҳлилий электрон нашрларга мунтазам обунасини таъминлаш.	Комплекс ташкилий чора-тадбирлар	2024 йил ноябрь Кейинчалик доимий	Халқаро донорларнинг маблағлари	Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
25.	Виртуал академияни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг электрон ахборот-кутубхона фондига ва етакчи хорижий ахборот-кутубхона ресурслари фондларига улаш.	Комплекс ташкилий чора-тадбирлар	2024 йил ноябрь	Халқаро донорларнинг маблағлари	Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси, Рақамли технологиялар вазирлиги, Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги,

					<p>Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси</p>
26.	<p>Виртуал академияни сифатли ўқув контентини ва материаллари билан таъминлаш мақсадида Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг мультимедиа студиясини такомиллаштириш ва замонавий технологиялар билан жиҳозлаш.</p>	Комплекс ташкилий чора-тадбирлар	Доимий	<p>Халқаро донорларнинг маблағлари, тўлов-шартномадан тушган маблағлар</p>	<p>Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, Рақамли технологиялар вазирлиги</p>
27.	<p>Виртуал академияда ўқитиш ва малака ошириш ўқув дастурларини контингент учун мослаштириш ва ўқув қўлланмалар, ўқув-услубий материалларни тайёрлаш.</p>	Комплекс ташкилий чора-тадбирлар	Доимий	<p>Халқаро донорларнинг маблағлари, тўлов-шартномадан тушган маблағлар</p>	<p>Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги</p>
28.	<p>Виртуал академиянинг самарали фаолият кўрсатиши учун халқаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича қўйдагиларни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш: етакчи илмий-тадқиқот, ахборот-тахлилий муассасалар ва бошқа ташкилотлар билан меморандумлар, ўзаро ҳамкорлик келишувларини тузиш, қўшма дастурларни амалга ошириш;</p>	Комплекс ташкилий чора-тадбирлар	Доимий	<p>Халқаро донорларнинг маблағлари</p>	<p>Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги</p>

	<p>Виртуал академиянинг фаолиятини ташкил этувчи ўқитувчи-ходимларнинг малакасини ошириш ва ўқитиш жараёнига хорижий мутахассисларни жалб қилиш амалиётини жорий этиш; ўқитувчи-ходимларни хорижий мамлакатлар таълим муассасаларида стажировка ўташини ташкил этиш.</p>				
--	--	--	--	--	--





O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2024 yil « 21 » июня

№ ПП–228

О мерах по внедрению системы непрерывного повышения знаний населения и государственных служащих в сфере противодействия коррупции

За последние годы в стране усовершенствованы правовые и институциональные основы предупреждения и противодействия коррупции, осуществлены масштабные реформы, направленные на формирование атмосферы нетерпимости к коррупции в обществе.

В частности, в государственных органах и организациях широко внедрены современные механизмы противодействия коррупции, приняты системные меры по обеспечению открытости их деятельности и повышению отчетности перед общественностью.

Вместе с тем возникает необходимость поднятия на новый уровень системы формирования у населения и государственных служащих нетерпимого отношения к коррупции, привития им «вакцины добропорядочности», а также повышения знаний и навыков в сфере противодействия коррупции исходя из требований времени.

В целях внедрения широкомасштабной системы непрерывного повышения знаний населения и государственных служащих в сфере противодействия коррупции в соответствии со Стратегией «Узбекистан – 2030»:

1. Одобрить предложение Агентства по противодействию коррупции (далее – Агентство) и Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан о внедрении с **1 января 2025 года** электронной платформы «**Виртуальная академия по противодействию коррупции**» (далее – Виртуальная академия), направленной на непрерывное повышение знаний населения и государственных служащих в сфере противодействия коррупции.

2. Определить приоритетными направлениями системы непрерывного повышения знаний населения и государственных служащих в сфере противодействия коррупции:

повышение правосознания и правовой культуры населения и государственных служащих, формирование в обществе **правового иммунитета к коррупции**, привитие в сознание молодого поколения ценностей добропорядочности;

повышение на постоянной основе знаний, навыков и квалификации **работников, ответственных за противодействие коррупции**, а также **занимающих должности государственной службы, наиболее подверженные коррупционным рискам**;

оценку и сертификацию знаний государственных служащих в сфере противодействия коррупции, а также **ведение реестра государственных служащих, получивших сертификат**;

ведение электронной базы данных о национальном и зарубежном опыте, научных, методических и практических разработках, достижениях в сфере противодействия коррупции;

реализацию **научно-исследовательских программ и проектов** по актуальным проблемам противодействия коррупции, в том числе с привлечением национальных, зарубежных и международных грантов.

3. Установить, что организация и ведение учебной деятельности в Виртуальной академии осуществляются Агентством и Правоохранительной академией (далее – Академия). При этом:

а) Агентство:

формирует контингент государственных служащих, подлежащих обучению в сфере противодействия коррупции и по согласованию с Академией **утверждает годовой план-график обучения**;

ведет мониторинг **качественной организации учебного процесса**;

вносит в Академию предложения о **внедрении новых учебных модулей** с учетом государственной политики по противодействию коррупции, коррупционных рисков и результатов исследований;

осуществляет тесное сотрудничество с государственными органами и организациями, привлеченными к учебному процессу, для **эффективного функционирования системы обучения**;

совместно с Академией ежегодно вносит в Национальный совет по противодействию коррупции Республики Узбекистан **информацию о деятельности Виртуальной академии**;

б) Академия:

обеспечивает **непрерывное функционирование** Виртуальной академии, **регулярное пополнение и обновление учебного контента и материалов;**

организует учебный процесс в сфере противодействия коррупции, в том числе разрабатывает учебные планы и программы, размещает информацию об учебных курсах в Виртуальной академии;

формирует электронную базу данных результатов освоения знаний слушателями, **ведет реестр лиц, окончивших учебные курсы;**

привлекает к учебному процессу квалифицированных специалистов государственных органов и организаций, высших образовательных и научно-исследовательских учреждений, в том числе **зарубежных экспертов.**

4. Обучение в Виртуальной академии проводится на основе учебных программ по противодействию коррупции для следующего контингента:

население, субъекты предпринимательства, представители негосударственных некоммерческих организаций и других институтов гражданского общества;

воспитанники, учащиеся и студенты образовательных организаций;

государственные служащие государственных органов и организаций (далее – государственные служащие);

работники предприятий с участием государства.

5. Определить, что:

а) обучение в сфере противодействия коррупции в Виртуальной академии организуется по базовым и специальным учебным курсам. При этом:

обучение на базовых учебных курсах для всех пользователей организуется **на бесплатной основе;**

повышение квалификации на специальных учебных курсах осуществляется **на платно-контрактной основе;**

б) для государственных служащих повышение квалификации в сфере противодействия коррупции на специальных учебных курсах Виртуальной академии **является обязательным.** При этом:

государственный служащий проходит курс обучения **в течение трех месяцев** после приема на работу;

периодичность повышения квалификации государственных служащих составляет **не реже одного раза в три года;**

специальные курсы для работников подразделений внутреннего антикоррупционного контроля и осуществляющих деятельность на должностях государственной службы, наиболее подверженные коррупционным рискам, проводятся **на основании углубленных учебных программ;**

в) обучение на специальных учебных курсах лиц, не являющихся государственными служащими, осуществляется **на добровольной основе.**

6. Определить источниками финансирования деятельности Виртуальной академии:

средства, поступающие от обучения на платно-контрактной основе;

внебюджетные средства Академии;

средства Фонда развития Агентства;

благотворительные пожертвования физических и юридических лиц;

гранты и средства международных организаций;

иные источники, не запрещенные законодательством.

7. Утвердить «Дорожную карту» по обеспечению эффективного функционирования и укреплению материально-технической базы электронной платформы «Виртуальная академия по противодействию коррупции» согласно приложению.

8. Установить порядок, в соответствии с которым:

а) размер оплаты за повышение квалификации на специальных учебных курсах на платно-контрактной основе утверждается Попечительским советом Академии по согласованию с Агентством и Министерством экономики и финансов;

б) лицам, успешно окончившим специальные учебные курсы, выдается **сертификат** образца, утверждаемого Агентством и Академией;

в) расходы, связанные с повышением квалификации государственных служащих, покрываются в пределах **бюджетных средств, выделяемых на эти цели** соответствующему государственному органу или организации, либо за счет их **внебюджетных средств**, а также иных источников, не запрещенных законодательством;

г) средства, поступающие от обучения на платно-контрактной основе, аккумулируются на расчетном счете Академии и направляются на следующие цели:

размещение заказов на подготовку материалов для использования в деятельности Виртуальной академии;

материальное стимулирование и повышение квалификации работников, ответственных за обеспечение деятельности Виртуальной академии;

покрытие расходов, связанных с непрерывной работой Виртуальной академии и эффективной организацией ее деятельности;

покрытие расходов, связанных с привлечением к учебному процессу соответствующих работников, научно-педагогических кадров и специалистов, в том числе зарубежных экспертов.

При этом средства, поступающие от обучения, после покрытия вышеуказанных расходов распределяются в равных долях во внебюджетные фонды Агентства и Академии.

9. Государственным органам и организациям обеспечить на регулярной основе повышение квалификации своих работников в сфере противодействия коррупции в Виртуальной академии.

Рекомендовать предприятиям с участием государства принимать меры по повышению квалификации работников в сфере противодействия коррупции в Виртуальной академии.

10. В целях системной и эффективной организации научных исследований, направленных на предупреждение и противодействие коррупции, внедрить порядок, предусматривающий:

формирование Агентством **рекомендуемых ежегодных научно-исследовательских тем**, которые могут быть реализованы в сфере противодействия коррупции высшими образовательными и научно-исследовательскими организациями;

представление Агентству **результатов научных исследований**, реализованных в сфере противодействия коррупции, всеми высшими образовательными и научно-исследовательскими организациями;

ведение Академией **электронной базы данных** о достижениях, национальном и зарубежном опыте, научных, методических и практических разработках, а также научно-исследовательских работах в сфере противодействия коррупции с соблюдением авторских прав.

Агентству и Академии **регулярно вносить в Национальный совет по противодействию коррупции Республики Узбекистан предложения** по целенаправленному и качественному осуществлению научных исследований в данной сфере, популяризации их результатов.

11. Агентству и Академии:

совместно с заинтересованными министерствами и ведомствами **в трехмесячный срок** разработать и утвердить **порядок организации обучения в Виртуальной академии**;

запустить **в срок до 1 января 2025 года** электронную платформу «Виртуальная академия по противодействию коррупции» и ее мобильное приложение.

12. Академии совместно с Агентством, Министерством дошкольного и школьного образования и Министерством высшего образования, науки и инноваций обеспечить:

в срок до 1 октября 2024 года разработку специальных программ и контента, организуемых в Виртуальной академии для воспитанников, учащихся и студентов образовательных организаций;

регулярное обновление специальных программ и контента для воспитанников, учащихся и студентов образовательных организаций.

Министерству дошкольного и школьного образования, Министерству высшего образования, науки и инноваций, а также Министерству инвестиций, промышленности и торговли принять меры по привлечению иностранных инвестиций, грантов и благотворительных пожертвований в целях создания качественных мультипликационных фильмов, видео- и аудиоматериалов, предназначенных для обучающихся в рамках программы **Глобального ресурса по вопросам антикоррупционного просвещения и повышения антикоррупционной активности молодежи (GRACE)**.

13. Агентству и Генеральной прокуратуре совместно с Национальным информационным агентством Узбекистана, Национальной телерадиокомпанией Узбекистана, Агентством информации и массовых коммуникаций обеспечить широкое освещение сути и содержания, а также целей и задач настоящего постановления в средствах массовой информации.

14. Агентству **в двухмесячный срок** совместно с заинтересованными министерствами и ведомствами внести в Кабинет Министров предложения об изменениях и дополнениях в законодательство, вытекающих из настоящего постановления.

15. Возложить на директора Агентства Бурханова А.Э. и Генерального прокурора Йулдошева Н.Т. персональную ответственность за эффективную организацию исполнения настоящего постановления.

Обсуждение хода исполнения настоящего постановления, осуществление координации и контроля за деятельностью ведомств, ответственных за его исполнение, возложить на председателя Национального совета по противодействию коррупции Республики Узбекистан Нарбаеву Т.К. и советника Президента Республики Узбекистан по вопросам координации деятельности правоохранительных и контролирующих органов Кадилова Д.Б.

**Президент
Республики Узбекистан**



Ш. Мирзиёев